

1. Бувайда тумани иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши (2024-2025 йиллар):

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2024 йил якунида **813,8 млрд.** сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йил якунида **985,9 млрд.** сўмга етказилиб, икки йил мобайнида **172,1 млрд.** сўмлик ўсишга эришилди.

Хизмат	кўрсатиш	ҳажми
2024 йилда	1 264,4 млрд.	сўмни ташкил қилган бўлса, 2025 йил якунида
	1 674,2 млрд.	сўмга етказилиб, 409,8 млрд. сўмлик ўсиш таъминланди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари сони 2024 йил якунида **1950 та**ни ташкил қилган бўлса, 2025 йил якунида бу кўрсаткич **2129 та**га етказилиб, **179 та**га кўпайди.

Бандлик ва иш ўринлари яратиш.

2024 йилда **22 525 та** янги иш ўрни ташкил қилинган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич **28 908 та**га етказилиб, ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилади.

2024 йилда жами **11 550 та** доимий ва мавсумий иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, амалда **14 833 та** иш ўрни яратилиб, режа **128%** га бажарилди. Бунда, инвестиция лойиҳалари ҳисобига – **721 нафар**, хизмат кўрсатиш соҳасида – **8300 нафар**, қишлоқ хўжалигида – **5 461 нафар**, қурилиш соҳасида – **351 нафар** фуқаро иш билан таъминланди.

2024 йил бошида ишсизлик даражаси **6,3%** (**6219 нафар**)ни ташкил қилган бўлса, йил якунида **4,3%** га (**2240 нафар**) туширилди. 2025 йилда ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш режалаштирилган.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш.

2024 йилда давлат дастурлари доирасида **52,4 млрд.** сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича – **1 324 нафар** фуқарога **25,7 млрд.** сўм, "Бизнесга биринчи қадам" дастури доирасида – **680 нафар** фуқарога **11,3 млрд.** сўм, Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури орқали – **193 та** тадбиркорлик субъектига **15,0 млрд.** сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида **2 197 та** иш ўрни яратилди.

2. 2024 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш мақсадида **8 та** объектда **57,873 млрд.** сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

“Ташаббусли бюджет” дастури доирасида **24 та** объектда **30,838 млрд.** сўмлик ишлар амалга оширилди. Хусусан:

- **33,5 км** ички йўллар асфальтлаштирилди;
- **6 та** ижтимоий соҳа объектлари реконструкция қилинди;
- **2 та** ижтимоий соҳа объектлари моддий техник базаси яхшиланди.

Аҳоли турмуш сифатини яхшилаш мақсадида:

- **7,0 км** ичимлик сув тармоқлари янгиланди,
- **2 та** сув қудуқлари қазилиб, **2 та** сув миноралари ўрнатилди.;
- **9 та** янги трансформатор ўрнатилиб, **16,9 км** электр тармоқлари янгиланди;
- **843 та** электр таянч устунни ўрнатилди.

Электр таъминоти “Обод хонадон” ва “Обод кўча” дастури доирасида яхшиланди:

- **90 та** янги электр таянч устунни алмаштирилган ва **4 та** трансформатор пунктлари таъмирланди, **1,9 км** СИП кабеллари тортилди,
- **2 та** маҳаллага **3 та** трансформатор пунктлари ва **26 та** электр таянч устунни ўрнатилди, **1,3 км** СИП электр тармоқлари янгиланди.

Йўл инфратузилмасини яхшилаш мақсадида:

- **34 км** давлат аҳамиятидаги йўллар жорий таъмирланди,
- **1 та** кўприк реконструкция қилинди,
- **1 км** умумфойдаланувдаги автомобил йўли асфальтлаштирилди,
- **8,5 км** ички тупроқ йўлларга шағал қопламаси ётқизилди.

3. 2024 йил якунига кўра ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати **1 165,9 млрд.** сўмлик **590 та** янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, **9538 та** янги иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳалар доирасида:

- Саноат соҳасида **420,3 млрд.** сўмлик **201 та** саноат корхонаси;
- Хизмат кўрсатиш соҳасида **669,7 млрд.** сўмлик **355 та** хизмат кўрсатиш маркази;

- Қишлоқ хўжалигида **75,9 млрд.** сўмлик **34 та** қишлоқ хўжалиги корхонаси ташкил этилди.

2024 йил давомида **41,6 млн.** доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилиши режалаштирилган бўлиб, амалда **53,4 млн.** доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит маблағлари ўзлаштирилиб, режа **128 фоизга** бажарилди.

2024 йилда **20 млн.** долларлик экспорт прогнози белгиланган бўлиб, йил якунига кўра **23,3 млн.** долларлик экспорт амалга оширилиб, режа **116 фоизга** бажарилди.

2025 йил давомида эса:

- **101,1 млн.** доллар хорижий инвестициялар жалб этилди;

- **3 389,4 млрд.** сўмлик **499 та** ҳудудий инвестиция лойиҳаси ишга туширилди;

- **687 та** янги иш ўрни яратилди;

- **30,5 млн.** долларлик экспорт амалга оширилди.

Эгаллаб турган лавозимида фаолиятини давом эттириши мақсадга мувофиқ.

4. 2024 йил ҳосили учун 220 та фермер хўжаликлари томонидан 6800 гектар майдонга бошоқли дон экинлари экилиб, **66 минг 617 тонна** бошоқли дон ишлаб чиқариш, шундан **21376 тонна** сотилган.

Пиллачилик соҳасида тумандаги **229 нафар** фермер хўжаликлари ва **29 та** тутчилик йўналишидаги хўжаликлар томонидан **2619 қути** ипак қуртидан **157 тонна** пилла хомашёси етиштирилди. 2024 йил ҳосили учун асосий майдон ҳамда ғалладан бўшаган **6744 гектар** ер майдонларига такрорий экинлар экилиб, маҳсулотлар экспорт, ички ва ташқи бозорларга етказиб берилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йил куз мавсумида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларининг дала четларига **865 минг** туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Боғдорчилик ва токчилик йўналишида туманда **961 гектар** боғ ва токзор ташкил этилган бўлиб, **16 минг 500 тонна** мева етиштирилди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қайта ишлаш корхоналарига ҳамда ички ва ташқи бозорларга етказиб берилди.

5. 2024 йилда ёшлар бандлиги дастурлари асосида 719 нафар ишсиз ёшларни касб-ҳунарга, замонавий касбларга ва тадбиркорликка ўқитиш, субсидия, ер майдони ва кредитлар ажратиш орқали бандлиги таъминланди.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йилда 755 нафар ёшга 2 млрд. 170 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди (2023 йилда 1456 нафар ёшга 2 млрд. 240 млн. сўм ажратилган).

Маҳаллаларда ёшларни “Беш ташаббус олимпиадаси”га жалб қилиш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида 2024 йилда 43105 нафар ёш қамраб олинди (2023 йилда 39454 нафар).

Давлат кўмагига муҳтож “оғир” тоифадаги ёшлар сони 2024 йилда 496 нафарни ташкил этди (2023 йилда 1098 нафар).

Тумандаги умумтаълим мактаблари битирувчиларининг 34 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирди, шундан 23 фоизи давлат олий таълим муассасалари ҳиссасига тўғри келади (2023 йилда 22 фоиз).

3-сонли умумтаълим мактабида “Иккита хорижий тил ва битта касб” лойиҳаси доирасида касб-ҳунар тўғаракларига 97 нафар ўқувчи жалб этилди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” бўйича енгил атлетика, стол тенниси спорт турларида республика босқичида 2 та I-ўринни қўлга киритди.

6. 2024 йилда “Аёллар дафтари”га 715 нафар хотин-қизлар киритилиб, уларга бир марталик моддий, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Ажрим ёқасига келиб қолган 5 нафар хотин-қиз назоратга олиниб, уларнинг ҳар бирига мураббий бириктирилди. Шунингдек, 6 та нотинч оила билан мунтазам иш олиб борилиши натижасида ярашишига эришилди.

Тумандаги 55 та умумтаълим мактабларида “Қизларжон” клуби доирасида жадвал асосида тадбирлар тизимли ташкил этилган бўлиб, 2024-2025 йиллар давомида жами 330 нафар ўқувчи-қиз ҳамда 320 нафар уюшмаган ёшлар билан тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Шунингдек, 55 та маҳалла фуқаролар йиғинларида “Оқила аёллар” ҳаракати ташкил этилган.